


ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ”**

**Йўналиши**

**«ДИВИДЕНД СИЁСАТИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тошкент 2021**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** ТДИУ доценти, и.ф.н. Темиров А.

**Тақризчилар:** ТМИ профессори, и.ф.д. Бобокулов Т.И.

ТДИУ профессори, и.ф.д. Карлибаева Р.Х.

**Модулнинг ишчи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. Ишчи дастур.....</b>	<b>4</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....</b>	<b>10</b>
<b>III. Назарий материаллар.....</b>	<b>16</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>51</b>
<b>V. Кейслар банки.....</b>	<b>59</b>
<b>VI. Мустақил таълим мавзулари.....</b>	<b>63</b>
<b>VII. Глоссарий.....</b>	<b>66</b>
<b>VIII. Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>69</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг қасбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Дивиденд сиёсати” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модул-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш, кўникма ва малакаларини таркиб топтириш асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

#### **“Дивиденд сиёсати” модулининг вазифалари:**

- “Дивиденд сиёсати” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмини яратиш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Дивиденд сиёсати” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билимига, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- компаниялар корпоратив бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни;
- корпоратив тузилмалар дивиденд сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти;
- дивиденд назариялари, компаниянинг дивиденд стратегияси;
- Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;
- компанияларнинг тақсимланмаган фойдаси ва дивиденд тўловларини бериш методикаси;
- фойдани қайта инвестициялаш ва дивиденд сиёсати;
- дивидендлар шаклидаги даромадларни солиқча ториш;

- дивиденд сиёсати ва унинг ахборотларини ошкор этиш бўйича самарали қарорлар қабул қилишни ***билиши керак***.

**Тингловчи:**

- дивидендлар сиёсатини шакллантириш;
- дивидендлар сиёсати турлари;
- қимматли қофозлар бўйича дивидендлар сиёсати ва тартибга солиш;
- дивидендлар сиёсати назарияси ва моделлари тўғрисида ***кўникмаларини эгаллаши лозим***;

**Тингловчи:**

- дивидендлар сиёсати ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсатига омилларга тааълуқли амалий ўйинларни ўтказиш замонавий ва инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;

- дивидендлар тўловларининг турлари ва манбаларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш;

- дивидендлар сиёсатининг замонавий назарияси ва унинг бозор баҳосига таъсири жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодий қонунлар, илмий тушунчаларни (категорияларни) ечимлар қабул қилишда ишлата олиш;

- дивидендлар сиёсатига таъсир кўрсатадиган жараёнларини тадқиқ қилишда макроиқтисодий моделлар тизимидан фойдаланиш;

- дивиденд кўрсаткичларини прогнозлашда дивиденд сиёсатининг мақсади, вазифалари, хусусиятларини билиш ва фикрлаш асосида тегишли қарорлар қабул қилиш ***малакаларини эгаллаши керак***;

**Тингловчи:**

- компаниянинг дивидендлар сиёсатининг таркиби ва асосларини,

- компаниянинг дивидендлар сиёсатини шакллантиришга раҳбарлик қилиш,

- дивидендлар сиёсатининг молиявий хавфсизлик ва молия ташкилотлари сиёсатига таъсири,

- компаниянинг дивидендлар сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини билиши керак ва улардан фойдалана олиш ***компетенцияларини эгаллаши лозим***.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Дивиденд сиёсати” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиха ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Дивиденд сиёсати” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” субмодуллари ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул килиш асослари”, “Махсус фанлар” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар компаниялар дивиденд сиёсати ва корпоратив бошқарув муаммоларини таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Компаниялар корпоратив бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни	4	4	2	2	
2.	Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш	4	4	2	2	
3.	Компанияларнинг тақсимланмаган фойдаси ва дивиденд тўловларини бериш методикаси	4	4	2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>12</b>	<b>12</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Компаниялар корпоратив бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни**

Корпоратив бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни. Компания ва унинг акциядорлари манфаатларининг баланси тушунчаси. Компаниянинг инвестицион жозибадорлиги ва капитализациясининг кўтарилиши. Ўзбекистон Республикасида корпоратив тузилмалар дивиденд сиёсати тенденцияларининг таҳлили. Компания соф фойдасини тақсимлаш дилеммаси. Дивидендларни қолдиқ тамойили асосида ҳисоблаш назарияси.

Дивиденд ҳисоблашнинг танлаш ёки М.Гордон (Myron Gordon) ва Ж.Линтнер (John Lintner) назарияси. Солик имтиёзлари назарияси. Дивиденд бўйича бошқа назариялар.

## **2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиши**

Дивиденд сиёсатини белгиловчи омиллар. Дивиденд сиёсатининг меъёрий-хуқуқий асослари. Ишлаб чиқариши ривожлантириш сиёсати. Акционерлик жамияти дивиденд сиёсатининг асосий турлари. Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиши босқичлари. Акцияларнинг дивиденд портфелини шакллантириш хусусиятлари. Акциялар портфелини шакллантиришнинг асосий тамойиллари. Рисклар диверсификацияси. Акцияларни сотиб олиш дивиденд стратегияси. Дивиденд стратегиясининг афзалликлари ва камчиликлари. Ўзбекистон Республикасида корпоратив тузилмалар дивиденд сиёсатининг таҳлили.

## **3-мавзу: Компанияларнинг тақсимланмаган фойдаси ва дивиденд тўловларини бериш методикаси**

Дивиденд тўловлари манбалари. Дивиденд тўлаш усуllibарининг турлари. Фойданинг доимий фоизли тақсимлаш усули. Дивидендерларни қолдиқ тамойили асосида тўлаш. Белгиланган (фиксирланган) дивидендерларни тўлаш усули. Дивиденд тўловларининг бошқа усувлари. Дивидендерлар тўлаш шакли ва тартиби. Ўзбекистон Республикасида дивидендерларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари. Дивидендерлар ва фоизларнинг солиққа тортиш ставкалари ва қоидалари. Дивиденд сифатидаги даромадлар ва уларни солиққа тортиш хусусиятлари. Солиққа тортишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар. Дивидендерлар бўйича солиқ ҳисботи.

# **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

## **1-амалий машғулот: Компаниялар корпоратив бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни**

Корпоратив бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни. Компания ва унинг акциядорлари манфаатларининг баланси тушунчаси. Компаниянинг инвестицион жозибадорлиги ва капитализациясининг кўтарилиши. Ўзбекистон Республикасида корпоратив тузилмалар дивиденд сиёсати тенденцияларининг таҳлили. Компания соғ фойдасини тақсимлаш дилеммаси. Дивидендерларни қолдиқ тамойили асосида ҳисоблаш назарияси. Дивиденд ҳисоблашнинг танлаш ёки М.Гордон (Myron Gordon) ва Ж.Линтнер (John Lintner) назарияси. Солик имтиёзлари назарияси. Дивиденд бўйича бошқа назариялар.

## **2-амалий машғулот:**

### **Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиши**

Дивиденд сиёсатини белгиловчи омиллар. Дивиденд сиёсатининг меъёрий-хуқуқий асослари. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсати. Акционерлик жамияти дивиденд сиёсатининг асосий турлари. Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш босқичлари. Акцияларнинг дивиденд портфелини шакллантириш хусусиятлари. Акциялар портфелини шакллантиришнинг асосий тамойиллари. Рисклар диверсификацияси. Акцияларни сотиб олиш дивиденд стратегияси. Дивиденд стратегиясининг афзалликлари ва камчиликлари. Ўзбекистон Республикасида корпоратив тузилмалар дивиденд сиёсатининг таҳлили.

## **3-амалий машғулот:**

### **Компанияларнинг тақсимланмаган фойдаси ва дивиденд тўловларини бериш методикаси**

Дивиденд тўловлари манбалари. Дивиденд тўлаш усусларининг турлари. Фойданинг доимий фоизли тақсимлаш усули. Дивидендернинг қолдиқ тамойили асосида тўлаш. Белгиланган (фиксирланган) дивидендернинг тўлаш усули. Дивиденд тўловларининг бошқа усуслари. Дивидендернинг тўлаш шакли ва тартиби. Ўзбекистон Республикасида дивидендернинг солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари. Дивидендернинг фоизларининг солиққа тортиш ставкалари ва қоидалари. Дивиденд сифатидаги даромадлар ва уларни солиққа тортиш хусусиятлари. Солиққа тортишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар. Дивидендернинг бўйича солиқ ҳисботи.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**

“Дивиденд сиёсати” модули бўйича кўчма машғулот режалаштирилмаган.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Ушбу модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаш олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «Блум қубиги» методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билиимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

1. Ушбу методни кўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
  - Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
  - Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
  - Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)
  - Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
  - Мисол келтириинг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
  - Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

### “KWHL” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билиимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Изоҳ. KWHL:**

*Know – нималарни биламан?*

*Want – нимани билишини хоҳлайман?*

*How - қандай билиб олсан бўлади?*

*Learn - нимани ўрганиб олдим?.*

“KWHL” методи			
<b>1. Нималарни биламан:</b> -	<b>2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b>	<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:-</b>	<b>4. Нималарни билиб олдим:</b>

## “W1H” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтига саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳирлаш мумкин)	

## “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақоролаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



## “ВЕЕР” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоклари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муввафқаиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик групчалардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групчаларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групчага умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир групчага берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча групчалар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниqlаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниqlаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниqlаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



## “Инсерт” методи

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан

ишлиашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“_” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилаr учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу. Компаниялар корпоратив бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни**

**Режа:**

- 1. Корпоратив тузилмаларнинг дивиденд сиёсати тушунчаси**
- 2. Корпорация молиявий стратегиясида дивиденд сиёсатининг ўрни**
- 3. Дивиденд сиёсатининг мақсади**
- 4. Дивиденд сиёсатининг асосий турлари ва дивидендларни тўлаш усуллари**

##### **1. Корпоратив тузилмаларнинг дивиденд сиёсати тушунчаси**

Жаҳон иқтисодий ривожланишидаги молиявий қийинчиликлар корпоратив бошқарув муаммоларига эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Корпоратив бошқарувнинг сифат даражаси компанияга сармоя киритиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилишга таъсир қиласи, бу эса капиталлашувининг ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади. Корпоратив бошқарувнинг муҳим элементларидан бири бўлиб компаниянинг бозор қийматини максимал даражада ошириш учун истеъмол қилинадиган ва капитализация қилинган фойда ўртасидаги нисбатларни оптималлаштиришга қаратилган дивиденд сиёсати ҳисобланади.

Маълумки, акция ўз эгасига акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини ва дивидендлар шаклида фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қофоздир. Дивидендлар компаниянинг соф фойдасининг бир қисми бўлиб, акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сони ва турига мувофиқ тақсимланади. Бошқача айтганда, дивидендлар акциядорларнинг мавжуд акциялар бўйича оладиган даромадларининг бир қисмидир.

Акциядор томонидан солиқ солишдан кейин қолган фойдани (шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича фоиз шаклида) акциядорга тегишли акцияларга тақсимлашда ташкилотдан олинган ҳар қандай даромад дивиденд деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида" ги қонунига мувофиқ, дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир<sup>1</sup>.

Дивиденд сиёсати компаниянинг акциядорларга дивидендлар тўлаши керак бўлган фойдани қўллаш соҳасидаги сиёсати бўлиб, у даромадни тўлиқ тўлаш ёки ундан кейинчалик даромад олиш мақсадида даромадни қайта инвестициялаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари мажмуидир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида" ги қонуни. 06.05.2014 й.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатига мувофиқ, дивидендерни тўлашни ва уларнинг манбасини белгиловчи тартиб мамлакат қонунчилиги билан тартибга солинади.

Дивидендерни тўлаш манбаи бўлиб ўтган давр учун акциядорлик жамиятининг соф фойдаси бўлиб ҳисобланади. Агар компаниядар соф (тақсимланмаган) фойда бўлмаса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендер ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдадан ушбу мақсад учун маҳсус яратилган захира маблағларидан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ, дивиденд акциянинг номинал қийматига нисбатан фоизда ёки ҳар бир акция учун сўмда белгиланади. Дивидендерни тўлаш қуидаги шаклда амалга оширилиши мумкин:

1. Дивидендер тўлашнинг пул шакли – масалан, кассадан нақд пул, пластик карочка, тўлов топшириғи, почта орқали тўлаш. Бу ҳолда дивидендер миқдорини аниқлаш учун турли хил варианtlар қўлланилади.

2. Бошқа (мол-мулк) шаклда, агар у компаниянинг Уставида назарда тутилган бўлса, хусусан акциядорлик жамиятлари акциялар, облигациялар, товарлар кўринишида берилади.

Дивидендерниң даражаси, динамикаси ва тўлов барқарорлиги компаниянинг иқтисодий салоҳияти, молиявий имкониятлари, инвестиция жозибадорлигини бошқариш муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Дивиденд сиёсати капитал тузилмани бошқариш каби, компаниянинг капитал бозоридаги мавқеига, хусусан, унинг акциялари нарх динамикасига сезиларли таъсир кўрсатади. Дивидендер акциядорларни пул даромадларини ифодалайди ва маълум даражада уларга ўз маблағларини инвестиция қилган шахслар учун акциядорлик жамиятининг муваффақиятли ишлаётганлигини кўрсатиб беради.

Дивидендер муайян давр учун билан ҳисоблаб чиқилади ва одатда, акциядорлик жамияти томонидан эришилган фойдага боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ҳисобот давридаги даромадни тақсимлашнинг соддалаштирилган схемаси қуидагича ифодаланиши мумкин:

- даромаднинг бир қисми дивидендер шаклида тўланади,
- қолган қисми компания активларига қайта инвестицияланади.

Дивиденд сиёсатининг бир неча ёндашувлари мавжуд. Уларни қуидагича ифодалаш мумкин:

1. Консерватив ёндашув. Ушбу ёндашув дивиденд тўловларининг қолдиқ сиёсати, дивиденд тўловларининг барқарор миқдори сиёсатини ўз ичига олади.

2. Ўртача (мўътадил) ёндашув. Ушбу ёндашув айrim даврларда кўшимча дивидендерни минимал барқарор миқдори сиёсатини ўз ичига олади.

3. Агресив ёндашув. Ушбу ёндашув дивидендерни барқарор даражаси ва дивидендер миқдорини доимий ошириш сиёсатини ўз ичига олади.

Дивиденд сиёсати директорлар кенгаши томонидан тузилади. Компаниянинг мақсадлари ва жорий (прогноз) вазиятга қараб, компаниянинг даромадлари қайта инвестицияланиши, тақсимланмаган фойда учун ҳисобдан чиқарилиши ёки дивидендлар шаклида тўланиши мумкин.

## 2. Корпорация молиявий стратегиясида дивиденд сиёсатининг ўрни

Акциядорлик жамияти фаолияти жадал ривожланаётган бўлса, у кўпроқ молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади. Аксарият ҳолларда компания сурункали пул тақчилигига эҳтиёж сезса, уларнинг дивиденд тўловлари шаклида маблағларни мунтазам равишда олиб қўйишга қарши муқобил молиялаштириш манбаларини излаш зарурлигига юзага келтиради.

Дивиденд сиёсати молиялаштириш соҳасида компаниянинг бошқарув қарорларининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Компания дивиденд сиёсатининг энг муҳим жиҳати бўлиб дивиденд тўловлари ва унинг компания ривожланиш учун қолдириладиган қисми ўртасида фойдани тақсимлашнинг оптимал нисбатларини топиш ҳисобланади.

Қуйидаги расмда акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатини шакллантириш босқичлари келтирилган.

### Дивидент сиёсатининг шакллантириш босқичлари

- Компанияларнинг дивиденд сиёсати учун шарт-шароитларни белгиловчи асосий омилларни ҳисобга олиш
- Акциядорлик жамиятининг молиявий стратегиясига мос бўлган дивиденд сиёсатини танлаш
- Танланган дивиденд сиёсатига мос келадиган фойдани тақсимлаш механизмини ишлаб чиқарish
- Битта акцияга тўғри келадиган дивиденд тўловлари даражаси
- Дивидендларни тўлаш шаклларини аниқлаш
- Дивиденд сиёсати самарадорлигини баҳолаш

**1-расм. Акциядорлик жамияти дивиденд сиёсатини шакллантиришнинг асосий босқичлари<sup>2</sup>**

Дивиденд сиёсати дивидендларни тўлашга кетадиган фойда улуши бўйича қарорлар тўпламини англатади. Шу билан бирга, соф фойда

<sup>2</sup> Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

капиталлашуви унинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестициялардан келадиган соф пул оқимини қайта инвестициялаш, янги акциялар шаклида дивиденд тўловларини амалга ошириш, депозит омонатининг ўсишига депозит фоиз микдорини йўналтириш ва бошқаларни англатади.

Таъкидлаш жоизки, фойдани қайта инвестициялаш компания учун янги акцияларни чиқариш билан таққослаганда, нисбатан арzon молиялаштириш шакли бўлиб, унинг фаолияти устидан мулкдорларни назорат қилишнинг мавжуд тизимини сақлаб қолишга имкон беради. Капитализация қилинган фойда микдорининг ўсиши корхонанинг мулкий ҳолатининг ўсиши, ўз маблағларининг кўпайишини кўрсатади.

Энди компания томонидан дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиши босқичларини батафсил кўриб чиқамиз.

Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишнинг биринчи босқичи бўлиб дивиденд сиёсатини шакллантиришни белгиловчи асосий омилларни баҳолаш хисобланади. Ушбу омиллар одатда, тўрт гурухга бўлинади:

1-гурух акциядорлик жамияти инвестиция имкониятларини тавсифловчи омиллар бўлиб, улар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- акциядорлик жамияти фаолияти даврлари босқичи;
- акциядорлик жамиятининг инвестиция дастурларини кенгайтириш зарурати;

-юқори самарали инвестиция лойихаларини амалга оширишга тайёрлик даражаси.

2-гурух муқобил манбалардан молиявий ресурсларни шакллантириш имкониятларини тавсифловчи омиллар сифатида тавсифланади ва улар қуйидагилардан ташкил топади:

- қимматли қоғозлар захираларининг етарлилиги;
- ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда микдори;
- қўшимча акциядорлик капиталини жалб қилиш қиймати;
- қўшимча қарз капиталини жалб қилиш қиймати;
- молия бозорида кредитларнинг мавжудлиги;
- акциядорлик жамиятининг кредитга лаёқатлилиги рейтинги.

3-гурух объектив чекловлар билан боғлиқ омилларни ўз ичига олади:

- дивидендларни соликقا тортиш даражаси;
- акциядорлик жамияти мол-мулкини соликقا тортиш даражаси;
- молиявий левераж таъсири;
- олинган фойданинг ҳақиқий микдори ва капиталнинг даромадлилик даражаси.

4-гурух бошқа омилларни ташкил этиб, қуйидагилардан шаклланган:

- акциядорлик жамияти иштирокчиси бўлган товар бозорининг конъюнктураси;

- рақобатчилар томонидан дивиденд тўловлари даражаси;
- илгари олинган кредитлар бўйича тўловларнинг кечикиши;

Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичи акциядорлик жамияти стратегиясига мос келадиган сиёсат турини танлаш билан якунланади.

Учинчи босқичда компаниянинг стратегиясига мос келадиган даромадни тақсимлаш механизмини аниқланади. Бу ўз навбатида қуйида келтирилган формула бўйича ҳисоблаб чиқилган оддий акциялар учун дивиденд тўловлари даражасини аниқлашга имкон беради:

$$\text{ДА} = (\text{дивиденд тўлови фонди} - \text{имтиёзли акциялар тўлови}) / \text{оддий акциялар сони}$$

Тўртинчи босқич кўрсаткичларни шакллантириш ва ҳисоблаш орқали фирманинг дивиденд сиёсати самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Истеъмолга йўналтириладиган ва капитализация қилинадиган фойда қисмлари ўртасидаги муносабатни аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- дивидендларни тўлаш тартибини тартибга солувчи норматив хужжатлар;
- бўш пул маблағларининг мавжудлиги;
- бошқа манбалардан маблағ олишнинг мавжудлиги ва уларнинг нархи;
- акциядорлар манфаатлари.

Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифани белгилаш ва ҳал этишга қаратилади. Булар:

1. Компанияни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш вазифаси. Бу ерда эътибор қаратилиши керак бўлган масала тақсимланмаган фойда ҳисобланади.

2. Молиявий қарорлар қабул қилишнинг асосий мезони сифатида акциядорларнинг умумий мулкини максимал даражада ошириш.

Бу икки вазифани ҳал этиш акциядорлик жамияти дивиденд сиёсатини мақсадини аниқлаш имконини беради.

### **3. Дивиденд сиёсатининг мақсади**

XX асрнинг 50-чи йиллари ўрталарида иқтисодчи Ж.Линтнер томонидан корпорациялар менежерлари ўртасида ўтказилган дивиденд сиёсати буйича сўровномалар шуни кўрсатдики, компания томонидан дивидендлар микдорини белгилаш тўртта “типик фактлар” билан чегараланади.

1. Компаниялар дивиденд тўловларининг узоқ муддатга белгиланган норматив коэффициентига риоя қиласидилар. Барқарор даромадга эга бўлган компаниялар одатда дивидендлар учун фойданинг катта қисмини ажратади, ривожланаётган компанияларда эса дивиденд тўловлари микдори камроқ бўлади.

2. Менежерлар дивидендларнинг мутлақ даражасидан кўра уларнинг ўзгаришига кўпроқ эътибор берадилар. Чунончи, 2,0 доллар микдорида дивиденд тўлаш яхши молиявий қарор бўлиши мумкинки, агар олдинги йилда тўланган дивиденд микдори 1,0 долларга teng бўлган бўлса; гарчи олдинги йил дивидендлари ҳам 2,0 доллар бўлган бўлса, бундай қарорнинг аҳамияти катта эмас.

3. Дивидендлар микдорининг ўзгариши фойданинг узоқ муддатли ва барқарор ўзгариши оқибати ҳисобланади. Менежерлар дивиденд

тўловларини «силиқлаб юборадилар». Фойданинг вақтинчалик ўзгаришлари, одатда, дивидендларга таъсир курсатмайди.

4. Агар дивидендларнинг олдинги даражасига қайтиш имконияти мавжуд бўлса, менежерлар уларни ўзгартиришга шошилмайдилар. Улар дивидендларнинг ошиши ҳақида эълон қилинган қарорнинг бекор қилинишидан кўпроқ хавотирланадилар.

Ж.Линтнер ишдаб чиккан оддий модель дивидендлар миқдорининг аҳамиятини яққол тушунтириб беради. Айтайлик, компания доим дивиденд тўловлари бхийча белгиланган коэффициентга риоя қиласи, у холда келгуси йилдаги дивидендлар (DIV 1) бир акцияга тўғри келадиган доимий фойда улушига (EPS 1) тенг бўлиши керак:

$$DIV1 = \text{режалаштирилган дивидендлар} = \text{норматив коэффициент} \times EPS1$$

Дивидендларнинг ўзгариши:

$$DIV1 - DIV0 = \text{режадаги ўзгариши} = \text{норматив коэффициент} \times EPS1 - DIV0$$

Шундай қилиб, дивиденд тўловларининг норматив коэффициентларига доим риоя қиласиган компания ҳар гал фойда ўзгарганда дивидендлар миқдорини хам ўзгартиришга мажбур. Аммо, Линтнернинг кузатишларига кўра, менежерлар буни истамай бажарадилар. Уларнинг фикрича, акциядорлар дивидендларнинг барқарор ўсишини афзал кўради. Шунинг учун, компания дивидендларини анча ошириш имкони бўлган тақдирда хам, менежерлар тўловларнинг норматив даражасига фақат қисмангина яқинлашадилар.

Шундай қилиб, дивидендларнинг ўзгариши куйидаги моделга бўйсуниши мумкин:

$$DIV1 - DIV0 = \text{тузатувчи коэффициент} \times \text{режадаги ўзгариши} = \\ \text{тузатувчи коэф.} \times (\text{норматив коэф.} \times EPS1 - DIV0)$$

Компания қанчалик консерватив бўлса, у норматив даражага шунчалик секин яқинлашади ва тегишлича, тузатувчи коэффициент шунчалик паст бўлади.

Линтнернинг оддий моделига кўра, дивидендлар миқдори қисман фирманинг жорий фойдасига ва қисман олдинги йилдаги дивидендлар миқдорига, олдинги йил дивидендлари эса, ўз навбатида, ўша йилдаги ва ундан олдинги йилдаги дивидендлар миқдорига бοглик ва ҳ.к. Демак, Линтнер ҳақ бўлса, дивидендларни жорий ва олдинги фойданинг ўртача олинган миқдори деб таърифлаш мумкин.

Таъкидлаб ўтилганидек, компаниянинг дивиденд сиёсати унинг молиялаштириш соҳасидаги бошқарув қарорларининг ажралмас қисмидир. Дивиденд сиёсатининг энг муҳим жиҳати дивиденд тўловлари ва компаниянинг ривожланиши учун зарур қоладиган қисми ўртасида фойдани

тақсимлашнинг оптимал нисбатларини топишдир. Бошқа томондан эса дивиденд сиёсати дивидендларни тўлашга кетадиган фойда улуши бўйича қарорлар тўпламини англатади.

Дивиденд сиёсатининг мақсади истеъмол қилинадиган ва капиталлаштирилаётган фойда қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни белгилашдан иборат бўлиб, бу келгусида:

- акциядорлик жамиятининг стратегик ривожланишини таъминлаш;
- компания бозор қийматини максимал даражада ошириш;
- акцияларнинг бозор қийматини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни аниқлаш имконини беради.

Бошқача қилиб айтганда, дивиденд сиёсатининг асосий мақсади соф фойдани дивидендлар тўлаш ва қайта инвестициялаш учун тақсимлашдир, бу эса ушбу компаниянинг қийматини максимал даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга, соф фойда капиталлашуви унинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестициялардан соф пул оқимини қайта инвестициялаш, янги акциялар шаклида дивиденд тўловларини амалга ошириш, (тижорат банкларида) депозит омонатининг ўсишига депозит фоиз миқдорини ўйналтириш имкон беради.

Таъкидлаш керакки, даромадни қайта инвестициялаш компания учун янги акцияларни чиқариш билан таққослаганда нисбатан арzon молиялаштириш шакли бўлиб, унинг фаолияти устидан мулкдорларни назорат қилишнинг мавжуд тизимини сақлаб қолиш имкони яратилади. Капиталлаштирилаётган фойда миқдорининг ошиши акциядорлик жамиятининг мулкий ҳолатининг ошиши, унинг ўз маблағлари кўпайшини кўрсатади.

Истеъмол қилинадиган ва капитализация қилинган фойда қисмлари ўртасидаги муносабатни аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- дивидендларни тўлаш тартибини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар;
- бўш пул маблағларининг мавжудлиги;
- бошқа манбалардан маблағ жалб қилишнинг мавжудлиги ва уларнинг нархи;
- акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Эгалари томонидан қўлга олинмаган фойданинг бир қисми компания фаолиятини молиялаштиришнинг ички манбай ҳисобланади, шунинг учун дивиденд сиёсати компания томонидан жалб қилинган ташқи молиялаштириш манбаларининг ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади.

Кўп ҳолларда компаниялар томонидан танланган дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишига қуйидаги омиллар гурухлари таъсир қиласи:

1. Ҳукуқий омиллар. Ўзбекистон Республикасида дивидендларни тўлаш Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинади, унга мувофиқ дивидендлар тўлаш манбалари аниқланади, акциядорлик жамиятларида дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлмаган ҳолатлар, дивидендларни

тўлаш тартиби ва муддатлари ва бошқалар тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

2. Шартнома шартлари. Хориж тажрибасидан маълумки, узоқ муддатли кредитлар берадиган банклар кредит шартномаларида компаниялар фаолиятида қайта инвестицияланадиган фойда улуши билан боғлиқ бўлган чекловлар миқдорини белгилашни назарда тутади. Банк ўз қарз олувчисининг самарали фаолиятидан манфаатдор, бу эса ўз навбатида олинган кредит суммасининг ўз вақтида қайтарилиши имкониятини яратади.

3. Ликвидлик. Махсулот реализацияси вақтида пул тўловлари ҳар доим ҳам амалга оширилавермайди, бунинг ўз сабаблари мавжуд. Акциядорлик жамиятининг фаолияти фойда билан якунланган бўлиши мумкин, лекин дивидендлар тўлаш учун ҳисоб етарли маблағлар бўлмаслиги ҳолатлари ҳам учраб туради. Шунинг учун, қонунчиликка кўра, дивидендлар нафақат пул билан, балки акциядорлик жамияти низомида назарда тутилган ҳолларда пул бўлмаган шаклда, яъни бошқа мол-мулк билан ҳамтўланиши мумкин.

4. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш. Ривожланаётган компаниялар фаолиятидаги хом-ашё ва ресурсларга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириш учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммосига дуч келмоқда. Бундай шароитда акциядорлар қарз олиш ёки қўшимча акцияларни чиқаришга йўл қўймаслик учун дивидендларни тўлаш чекловларига ўтиш сиёsatни амалга оширишлари мумкин.

5. Акциядорлар манфаатлари. Акциядорлар йигилиши ёки бошқарув кенгashi томонидан тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисида қарор қабул қилишда компаниянинг бозор қийматига қандай таъсир қилишини ҳисобга олиши керак. Қайта инвестициялашга йўналтирилган фойда келажакдаги дивидендларнинг кафолати бўлиб ҳисобланади, шунинг учун ҳам дивидендлар ўсиши даражаси унинг қийматига боғлиқ бўлади.

6. Капиталнинг “ажралиш” муаммоси. Агар акциядорлик жамияти юқори дивидендлар тўлайдиган бўлса, молиялаштириш манбалари билан таъминлаш учун шубҳасиз, ташқи молиялаштириш манбаларига ёки қўшимча акциялар чиқаришга мурожаат қилиш керак бўлади. Бундай ҳаракатлар янги акциядорларнинг пайдо бўлишига ва мавжуд бўлган мулк хуқуқининг “бузилиши” (манфаатлар тўқнашуви)га олиб келиши мумкин.

7. Ахборот таъсири. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги маълумотлар нафақат акциядорлар томонидан, балки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва махсус ахборот агентликлари томонидан ҳам кузатилиб борилади. Акциядорлик жамиятининг дивидендларни аввалги даврларга нисбатан кам ёки кўп тўланиши ҳақидаги ҳар қандай хабар компания акция ставкаларининг кескин қўтарилиши ёки пасайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам акциядорлик компанияси исталмаган бозор миш-мишлари ёки ваҳимага сабаб бўлмайдиган барқарор дивиденд тўловлари сиёsatини амалга ошириш керак.

8. Ташкилотнинг фаолият айланиши босқичи. Акциядорлик жамияти ўз фаолиятида жиддий қайта ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда бунинг учун қўшимча акциялар чиқаришни режалаштираётган бўлса, бундай

эмиссия узоқ вақт давомида барқарор юқори дивидендлар тұлашни зарур қилиб құяды. Бундай сиёсат акциялар курсининг сезиларли үсишига ва шунга мос равища қўшимча акцияларни жойлаштириш натижасида олинган маблағлар миқдорини оширишга олиб келади.

#### **4. Дивиденд сиёсатининг асосий турлари ва дивидендларни тұлаш усуллари**

Компания корпоратив бошқарув амалиётини акциядорларнинг даромад олиш ҳукуки нұқтаи назаридан үрганишда қуйидаги жиҳатлар таҳлил килинади:

- тасдиқланган дивиденд сиёсатининг мавжудлиги ва ички ҳужжатларда дивиденд тұловларини ҳисоблаш тамойиллари ҳамда дивидендларни тұлашга йўналтириладиган соф фойданинг энг кам улуши;
- оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тұлаш амалиёти;
- дивиденд тарихи.

Компаниянинг дивиденд сиёсатини расмийлаштириш акциядорларга дивиденд тұловларини прогноз қилиш имконини беради. Тадқиқот давомида компанияларда дивиденд сиёсатини тартибга солувчи ҳужжатлар мавжудлиги ижобий баҳоланади. Компания томонидан дивидендларни тұлаш амалиётини баҳолашда дивидендлар қанча муддатларда тұланганлигини ва компаниянинг эълон қилинган муддатларда дивидендларни тұлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини ҳисобга олади. Агар уставда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, компаниялар 60 кун ичida дивидендлар тұлашлари шарт.

Акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати ва дивиденд тұловларининг қуйидаги асосий турлари мавжуд.

1. Агрессив сиёсат. Ушбу турдаги сиёсат дивиденд тұлов усулларининг қуйидаги турлари мавжуд:

а) фойдани доимий фоизли тақсимлаш усули. Ушбу техниканинг моҳияти *дивиденд ажратмаси = const* ҳисобланади ҳамда узоқ вақт давомида оддий акциялар бўйича дивидендларни тұлашга йўналтирилган соф фойданинг барқарор фоизини назарда тутади. Бу ҳолат акциялар бозор нархининг үсишига олиб келмайди, чунки олинган дивидендлар миқдори ўзгариши мумкин. Бироқ, у ишлаб чиқаришда ишлайдиганлар учун қулай бўлиб, битта оддий акцияга тўғри келадиган фойданинг ўзгариши сезиларли бўлмайди.

б) дивиденд тұловларининг доимий үсиш методикаси. Дивиденд кўрсаткичининг режасида битта акция бўйича дивиденд тұловини ошириш усули ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида акциялар юқори бозор қийматини таъминлайди ва потенциал инвесторлар учун ижобий тасаввурни шакллантиради, битта акцияга тўғри келадиган дивидендларнинг барқарор үсишини таъминлайди.

2. Ўртача (мўътадил) сиёсат. Ушбу техниканинг моҳияти кафолатланган минимал ва қўшимча (экстра) дивидендларни тұлашдан

иборат, яъни *битта акция учун дивиденд = const*, мунтазам дивидендер учун эса мукофот. Бу сёсат қуидаги тамойилларга асосланади:

-ҳар бир акция учун дивиденд тўловларнинг доимий ва мунтазам равишда тўланиши;

-энг муваффақиятли иш даврида сабит дивидендерига қўшимча (экстра) равишда тўлов.

Бу сиёсат энг мувозанатли усул бўлиб ҳисобланади, чунки дивидендерни тўлашнинг барқарорлигини таъминланади ва иқтисодий ўсиш даврида уларнинг қийматини ошириш имконини беради, бинобарин шу билан акциядорлар рағбатлантирилади. Қимматли қоғозлар курсининг қийматидаги тебранишларни юмшатишга ёрдам беради.

Экстрадивиденд - мунтазам дивиденд тўловларидан ортиқча ҳисобланган ва белгиланган ставкани ўзгартиришига таъсир кўрсатмайдиган қўшимча пул тўловидир. Бундай тўлов бир марталик бўлади. Унинг роли акцияларнинг барқарор бозор қийматини қўллаб-қувватлаш, акциядорлик жамияти фаолияти ва ривожланиш истиқболлари ҳақида ижобий маълумот яратишидир.

3. Консерватив сиёсат. Ушбу турдаги сиёсат дивиденд тўлов усулларининг қуидаги турларига эга:

а) қолдиқ дивиденд усули. Ушбу техниканинг моҳияти йилига дивидендер *t = соғ фойда – инвестиция дастурларини молиялашириши учун зарур бўлган тақсимланмаган фойдаладан* иборат. Бу усул акциядорлик жамиятиянинг фаолият даврининг дастлабки босқичларида- юқори инвестицион фаолият даврларида қўлланилади.

Дивидендерни тўлаш самарали инвестиция лойиҳаларини молиялаширишдан кейин амалга оширилади. Агар лойиҳанинг ички даромад даражаси молиявий рентабеллик даражасидан юқори бўлса, уни қўллаш тавсия этилади. Ушбу техникадан фойдаланиш акциядорлик жамиятиянинг юқори иқтисодий ўсишини таъминлайди, унинг бозор қийматини оширади. Ушбу тўлов усулининиг камчиликлари сифатида дивидендерни тўлашнинг бир хил бўлмаган диапазонининг мавжудлиги, дивидендерни тўлашнинг доимий эмаслиги, қимматли қоғозларнинг паст бозор баҳосига эга эканлигини кўрсатиш мумкин.

б) белгиланган тўловлар усули. Бир акция учун *дивиденд= const*. Акциялар курсининг динамикасидан қатъи назар, узоқ вақт давомида битта оддий акциясига дивиденд тўловларининг мунтазамлигини таъминлайди. Одатда, турли молиявий институтларнинг (пенсия жамғармалари, сугурта компаниялари) паст даражадаги риски билан биргаликда қўлланилади.

Ушбу тўлов усулининиг афзалликлари бўлиб акцияларнинг курс қийматидаги тебранишларни юмшатиш, фонд бозоридаги акцияларнинг барқарор котировкаси, акцияларнинг юқори ликвидлиги, акциядорларнинг жорий мунтазам даромадини олиш, акциядорлик жамиятиянинг барқарор бозор қийматига эга бўлиши ҳисобланади. Камчиликлари сифатида акциядорлик жамияти фаолиятининг молиявий натижалари билан заиф алоқалари, фойда миқдори кескин камайган тақдирда, акциядорлик жамияти

ликвидлиги сезиларли даражада ёмонлашиши эҳтимоли мавжудлигини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, қуидаги ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда бири мавжуд бўлса, акциядорлик жамияти дивидендерни эълон қилиш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек, дивидендерни тўлашга ҳақли эмас:

-устав фонди тўлиқ тўланмаган бўлса;

-акциядорлик жамиятининг соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фондлари микдоридан кам ёки дивидендер тўлаш натижасида уларнинг микдоридан кам бўлса;

-акциядорлик жамияти иқтисодий тўловга лаёқатсизлик (банкротлик) тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ тўловга лаёқатсизликнинг барқарор хусусиятига эга ёки ушбу белги дивидендер тўлаш натижасида ушбу компанияда пайдо бўлса;

-акциядорларнинг талабига биноан акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олиш тутатилмаган бўлса.

### **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Корпорация молиявий стратегиясида дивиденд сиёсатининг ўрни нимада?
2. Дивиденд сиёсатининг қандай турлари мавжуд?
3. Дивиденд сиёсатини шакллантиришининг босқичлари нима ва уларнинг қандай шаклланади?
4. Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишга таъсир этувчи омиллар гурухини изоҳлаб беринг.
5. Дивиденд тўлашнинг қанадий усуллари бор?

## **2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиши**

**Режа:**

- 2.1. Дивиденд сиёсатини белгиловчи омиллар**
- 2.2. Дивиденд сиёсатининг меъёрий-хукуқий асослари**
- 2.3. Акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатининг асосий турлари**
- 2.4. Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиши босқичлари**

### **1. Дивиденд сиёсатини белгиловчи омиллар**

Дивиденд сиёсатининг моҳияти айланма маблағлардан чиқарилган ва дивидендлар шаклида тўланадиган фойда улуши ва бизнесни кенгайтиришига йўналтирилган маблағлар ўртасидаги мақбул нисбатни танлашдан иборатdir. Компаниянинг дивиденд сиёсатига таъсир қилувчи омилларни қўйидаги гуруҳлари ажратилиши мумкин.

1. Хукуқий чекловлар. Корхонанинг ўз капитали акциядорлик капитали, эмиссион даромад, тақсимланмаган фойдадан иборат. Кўпгина мамлакатларда қонун икки схемадан бирига рухсат беради – дивидендларни тўлаш учун фақат фойда (ҳисобот даврининг даромадлари ва ўтган даврларнинг тақсимланмаган даромадлари) ёки фойда ва эмиссион даромадлари сарфланиши мумкин. Қонун ҳужжатларида дивидендларни тўлаш бўйича бошқа чекловлар мавжуд. Хусусан, агар корхона тўловга қодир деб топилмаса ёки банкрот деб эълон қилинса, дивидендларни пул шаклида тўлаш одатда тақиқланади. Соликлар фақат акциядорларга берилган дивидендлардан тўланганлиги сабаби ҳам кўп компаниялар соликдан қочиш мақсадида дивидендлар тўламайди. Бу ҳолда, солик қонунчилигида белгиланганидек, тақсимланмаган фойда белгиланган меъёрдан ошиб кетиши (масалан, АҚШда \$250 минг) соликқа тортилади. Бундай чекловларни жорий этишининг сабаби кредиторларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва корхона капиталининг мумкин бўлган “ютилишининг” олдини олиш заруриятига ҳам боғлик.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунига мувофиқ, акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ

бўлмаган миқдорда дивиденdlар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивиденdlар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивиденdlар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Акциядорлик жамияти молиявий йилнинг биринчи чораги, яrim йиллиги, тўқиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижалариغا кўра, агар ушбу Конун ва жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, яrim йиллиги ва тўқиз ойи натижаларига кўра дивиденdlар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

2. Шартнома табиатининг чекловлари. Кўпгина мамлакатларда тўланган дивиденdlар миқдори акциядорлик жамияtlари узоқ муддатли кредит олишни истаган ҳолларда, маҳсус шартномалар билан тартибга солинади. Бундай қарзга хизмат кўрсатишни таъминлаш учун шартномада, қоида тариқасида, тақсимланмаган фойда миқдори ёки қайta инвестицияга йўналтириладиган фойданинг минимал даражаси белгиланган чегара амал қиласди. Акционерлик компанияси фаолияти фойдада бўлиши мумкин, лекин у шартнома чекловлари туфайли реал пулларнинг йўқлиги важидан дивиденdlар тўлашга тайёр эмас. Ўзбекистон Республикасида эса бундай амалиёт мавжуд эмас; компаниянинг устав капиталининг камидаги 15 фоизи миқдорида захира капиталини шакллантириш мажбурияти унинг узоқ аналогидир.

3. Компания ликвидлиги етишмаслиги туфайли чекловлар. Дивиденdlар пул шаклида фақат акциядорлик жамияtlари ҳисобварафида пул бўлсагина ёки миллий пулга айлантириладиган бошқа пул эквивалентлари тўлаш учун етарли бўлса, тўланиши мумкин. Назарий жиҳатдан, корхона дивиденdlарни тўлаш учун кредит олиши мумкин, аммо бу ҳар доим ҳам мумкин эмас, чунки бу ҳам қўшимча харажатлар билан боғлиқ. Шундай қилиб, акциядорлик жамияtlари фойдали бўлиши мумкин, лекин ҳақиқий пул йўқлиги туфайли дивиденdlарни тўлашга тайёр эмас. Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамияtlари иктиносидай начор аҳволи мавжуд бўлган шароитда бундай ҳолат жуда реалликдир.

4. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ чекловлар. Кўпгина корхоналар, айниқса, ишлаб чиқаришни бошлашнинг бошлағич босқичидагилар, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун молиявий манбаларни топиш муаммосига дуч келади. Молиявий ресурсларнинг қўшимча манбалари моддий-техника базасини янгилаш учун юқори суръатларда ишлайдиган корхоналарга ҳам, шунингдек ва нисбатан паст ўсиш суръатларига эга корхоналар учун ҳам қўшимча асосий воситаларни сотиб олиш зарурдир. Бундай ҳолларда улар кўпинча дивиденд тўловларини чеклаш амалиётiga мурожаат қилишади. Айрим компаниялар таъсис ҳужжатларида жорий фойданинг минимал улушини қайta инвестициялашга мажбурий киритиш амалиёт маълум.

5. Акциядорлар манфаатлари билан боғлиқ чекловлар. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, дивидендлар сиёсатининг асосида бошқарувнинг энг асосий тамойили – акциядорларнинг умумий даромадини максимал даражада ошириш тамойили ётади. Ўтган давр мобайнида акциядорлар умумий даромадининг қиймати олинган дивиденд суммаси ва акцияларнинг курс қийматининг ўсишидан иборат. Шунинг учун ҳам, дивидендларнинг оптималь миқдорини аниқлаш орқали акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши ва акциядорлар дивиденд миқдори корхона қийматига қандай таъсир қилиши мумкинлигини баҳолаши керак. Бошқа томондан эса, корхона қиймати кўплаб омилларга боғлиқ бўлган акцияларнинг бозор баҳосида ифодаланади, хусусан компаниянинг товар ва хизматлар бозоридаги умумий молиявий ҳолати, тўланган дивидендлар миқдори, уларнинг ўсиш суръати ва бошқалар.

Дивидендлар миқдори ва акциядорлар манфаатларини боғловчи бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд. Агар капитал бозорида янада юқори даромадга эга бўлган инвестиция лойиҳаларида иштирок этиш имконияти мавжуд бўлса, бу ҳолат унинг акциядорлари томонидан дивиденд учун овоз беришлари мумкин. Бу борада акциядорлар орасидаги муайян қарама-қаршиликлар пайдо бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бой акциядорлар соликдан қочиш учун барча даромадларни қайта инвестициялашни талаб қилишлари мумкин; бошқа инвесторларнинг янада бошқача бўлиши мумкин.

Дивиденд сиёсати мулк хуқуқини “ёндириш” (dilution) муаммоси билан чамбарчас боғлиқ. Бу юқори дивидендлар тўланган тақдирда янги акциядорлар пайдо бўлиши ва молиявий манбаларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун компания қўшимча акцияларга мурожаат қилиши билан изоҳланади. Бу ҳолатни олдини олиш учун акциядорлар дивидендлар миқдорини онгли равишда чеклашлари мумкин.

6. Реклама ва молиявий характердаги чекловлар. Бозор шароитида компаниянинг дивиденд сиёсати тўғрисидаги маълумотлар таҳлилчилар, менежерлар, брокерлар ва бошқалар томонидан диққат билан кузатилади. Дивидендларни тўлашда узилишлар, уни тўлашдан бош тортиш каби ҳолатлар ушбу компания акцияларнинг бозор баҳосининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, кўпинча акциядорлик жамиятлари бозордаги юзага келиши мумкин бўлган тебранишларга қарамай, барқарор даражадаги дивиденд сиёсатини сақлаб қолишга мажбур бўлади. Кўпгина тажрибасиз акциядорлар учун дивиденд сиёсатининг барқарорлиги даражаси ушбу корхона фаолиятининг муваффақиятли кўрсаткичи сифатида хизмат қиласи.

Бундан ташқари, бошқа бир қатор иқтисодий омиллар мавжуд:

А. Компаниянинг ўз инвестицион имкониятларини тавсифлайдиган омиллар:

- юқори самарадорликка эга бўлган инвестиция дастурларини амалга ошириш учун қулай конъюнктурадан фойдаланиш зарурияти;
- олдинги даврда шаклланган молиявий захираларнинг мавжудлиги;
- ташкилотнинг ҳаётлик жараёнининг босқичи (дастлабки босқичларда дивидендларни тўлашни чеклаш орқали унинг ривожланишига кўпроқ маблағ йўналтиришга мажбур бўлган).

Б. Муқобил манбалардан молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларини тавсифлайдиган омиллар:

- компаниянинг молиявий аҳволи ва инвесторларига бўлган ишонч даражасини белгиловчи кредит қобилияти даражаси;
- акциялар ва облигацияларни чиқариш, банк кредитларини олиш орқали қўшимча капитални жалб қилишнинг ўртacha қиймати;
- қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлашириш билан боғлик харажатлар.

## **2.Дивиденд сиёсатининг меъёрий-хуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсати “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун асосида ташкил этилади. Мазкур қонунга кўра “Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт”<sup>3</sup>.

Мазкур хужжат асосида ҳар бир акциядорлик жамиятлари ўз дивиденд сиёстини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, акциядорлик жамияти Устави, Корпоратив бошқарув кодекси ва акциядорлик жамиятларининг бошқа ички хужжатлари асосида ишлаб чиқилади. Агар акциядорлик жамиятлари акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлик бирор бир масала «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлари, Устави ва низом билан тартибга солинмаган бўлса, у ҳолда улар акциядорларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳал этилади. Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини оширишга ва Жамият капиталлашуви ўсишини таъминлашга қаратилган. Компания низоми акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсати ҳақида хабардор қилишни ўз мақсади деб билади.

Акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсати маълум давр учун ишлаб чиқилади. Ушбу давр давомида жамиятнинг захира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлманган миқдорда ҳар йилги мажбурий ажратмаларни ажратади. Акциядорлик жамиятлари да жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Соф фойданинг қолган қисми дивиденд тўловларига, капитализация қилиш шарти билан жамиятни ривожлантиришга ва акциядорлар умумий йиғилиши (ягона акциядор) қарори асосида бошқа мақсадларга йўналтирилади<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 6.05.2014 й.

<sup>4</sup>

Акциядорлик жамиятлари капиталлашувнинг ўсишини акциядорларнинг жамият акцияларидан даромад олиш бўйича мулкий манфаатларини қондиришнинг асосий усули деб ҳисоблайди. Дивиденд сиёсати акциядорлик жамиятлари томонидан олинган фойданинг сарфланадиган ва капиталлаштириладиган қисмлари ўртасидаги мутаносибликни акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида оптималлаштиришга йўналтирилadi.

Дивидендлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқлар ҳисоблаш ва олиш харажатлари, дивидендлар ўтказиш, почта харажатлари) бошқарув органлари қарорига кўра дивиденд олаётган акциядор зиммасига юкланмаслиги лозим. Акциядорлик жамиятлари акциядорлар олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида мувофиқ ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгар бўлади.

Дивидендлар жойлаштирилмаган акциялар бўйича, акциядорлик жамиятлари томонидан олинган ва/ёки қайта сотиб олинган акциялар бўйича ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қиласди. Акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгashi Акциядорларнинг умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тартиби тўғрисида тавсиялар киритади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорида қуидагилар белгиланиши лозим:

- дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акциялар тоифаси(тури);
- муайян турдаги битта акцияга ҳисобланган дивиденд миқдори;
- дивидендлар тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда акциядорлик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгилangan ҳолларда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгилangan муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўлаш имкони бўлмаганди, дивидендлар ҳисоблаш (тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорлик жамиятлари дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қофозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Дивидендларни тўлаш муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, бироқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишида албатта ўз ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда акциядорларнинг манфаатларини кўзлаши керак. Акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати

унинг соф фойдасидан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий сиёсатнинг муҳим қисмиdir. Жамият акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ёки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ушбу тўловларни амалга ошириш учун аниқ даромадни сарфлашга қарор қиласди. Бундай тавсияларнинг ҳақиқийлиги учун ижроия директори жамият раҳбариятига жавоб беради. Акция дорлик компанияси икки йўналишда соф фойда фойдаланиш хуқуқига эга.

Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати бўйича асосий муаммо дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик масаласини ҳал қилишdir. Дивиденд сиёсати ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсати муаммолари корхона тасарруфида қолган соф фойда миқдорига боғлиқdir. Соф фойда бизнеснинг, жумладан, инвестиция фаолиятининг молиявий манбай бўлиб ҳисобланади. Соф фойданни тақсимлаш тартиби таъсис хужжатлари ёки таъсис органининг қарорлари билан белгиланади. Соф фойда қисман акциядорларга дивидендлар тўлаш учун сарфланади.

Оддий акциялар бўйича тўланган дивидендлар ставкаси доимо акциядорлик жамияти фаолиятининг молиявий натижаларига ва дивиденд сиёсатига қараб ўзгариб туради. Молиявий маблағларини инвестиция қилган акциядорлар дивидендлардан олинадиган ҳамда уларни қониқтирадиган пул миқдорини олиш билан биргаликда, инвестиция маблағлари бўйича ўз даромадларини максималлаштириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқаришни ривожлантирилишидан ҳам манфаатдордир.

Фойда тақсимотининг дивидендларга ва иқтисодий ривожланишга кўра оптимал нисбатларини топиш қўйидагиларга боғлиқ бўлади. Булар:

-бир томондан, фойданни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш зарурияти;

-бошқа томондан, акциядорларнинг даромадларни максимал даражада ошириш истаги.

Акциядор акцияларнинг бир қисмини сотиши ва олинган маблағларни бошқа корхоналарнинг акцияларига инвестициялаш орқали ўз даромадларини мустақил равишда тартибга солиш имкониятига эга. Агар тақсимланмаган фойда солиқка тортилмаса, уни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қайта ишлатиш янада фойдали бўлади. Корхона бундай шароитда пассив дивиденд сиёсатини амалга ошириши ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўпроқ маблағ йўналтириши мумкин.

### **3.Акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатининг асосий турлари**

Компаниянинг корпоратив бошқарув амалиётини акциядорларнинг даромад олиш хуқуқи нуқтаи назаридан ўрганишда қўйидаги жиҳатлар таҳлил қилинади:

-дивиденд тўлашга йўналтириладиган соф фойданнинг минимал миқдори ва дивиденд тўловларини ҳисоблаш тамойилларини мавжуд дивиденд сиёсати билан ички хужжатларда белгилаб қўйилганлиги;

- оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш амалиёти;

-дивиденд тарихи. Компаниянинг дивиденд сиёсатини расмийлаштириш акциядорларга дивиденд тўловларини прогноз қилиш

имконини беради. Тадқиқот давомида компанияларда дивиденд сиёсатини тартибга солувчи ҳужжатлар мавжудлиги ижобий баҳоланади.

Компания томонидан дивидендларни тўлаш амалиётини баҳолашда дивидендлар қанча муддатларда тўланганлигини ва компаниянинг эълон қилинган муддатларда дивидендларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини ҳисобга олади. Агар уставда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, компаниялар 60 кун ичida дивидендлар тўлашлари шарт.

Акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатида қўлланилаётган дивиденд тўловларининг қўйидаги асосий турлари мавжуд.

1. Агрессив сиёсатдаги дивиденд тўлов усувларининг қўйидаги турлари мавжуд:

А) фойдани доимий фоизли тақсимлаш усули. Ушбу техниканинг моҳияти дивиденд ажратмаси = const ҳисобланади. Узоқ вақт давомида оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлашга йўналтирилган соф фойданинг барқарор фоизини назарда тутади. Бу ҳолат акциялар бозор нархининг ўсишига олиб келмайди, чунки олинган дивидендлар миқдори ўзгариши мумкин. Бироқ, у ишлаб чиқаришда ишлайдиганлар учун қулай бўлиб, 1 оддий акцияга тўғри келадиган фойданинг ўзгариши сезиларли бўлмайди.

Б) дивиденд тўловларининг доимий ўсиш усули. Дивиденд кўрсаткичининг режали даражасида 1 акция бўйича дивидендни ошириш усули ҳисобланади. Бу акциялар юқори бозор қийматини таъминлаш ва потенциал инвесторлар учун ижобий тасаввурни шакллантиради, 1 улуши бошига эса дивидендларнинг барқарор ўсишини таъминлайди.

2. Ўртача (мўътадил) сиёсатда қўлланиладиган усувлар. Ушбу техниканинг моҳияти кафолатланган минимал ва экстра диведендларни тўлашдан иборат, яъни 1 акция учун дивиденд = const, мунтазам дивидендлар учун эса мукофот. Бу қўйидаги тамойилларга асосланади:

-ҳар бир акция учун дивидендларнинг доимий, мунтазам равища тўланиши;

энг муваффақиятли иш даврида –собит дивидендларига қўшимча равища тўлов.

Бу энг мувозанатли усул, чунки дивидендларни тўлашнинг барқарорлигини таъминлайди ва иқтисодий ўсиш даврида уларнинг қийматини ошириш имконини беради, бинобарин шу билан акциядорларни рағбатлантиради. Қимматли қоғозлар курсининг қийматидаги тебранишларни юмшатишга ёрдам беради.

Экстрадивиденд - мунтазам дивиденд тўловларидан ортиқча ҳисобланган ва белгиланган ставкани ўзгартиришига таъсир кўрсатмайдиган мукофот. Бундай тўлов бир марталик бўлади. Унинг роли акцияларнинг барқарор бозор қийматини қўллаб-куватлаш, акциядорлик жамиятлари фаолияти ва ривожланиш истиқболлари ҳақида ижобий маълумот яратишидир.

3. Консерватив сиёсатда қўлланиладиган усувлар. Ушбу турдаги тўлов усувларининг қўйидаги турларига эга:

А) қолдиқ дивиденд усули. Ушбу техниканинг мөхияти- йилига дивидендерлар  $t =$  соф фойда – инвестиция дастурларини молиялаштириш учун зарур бўлган тақсимланмаган фойда.

Бу акциядорлик жамиятларининг ҳаётийлик жараёнининг дастлабки босқичларида юқори инвестицион фаолият даврларида қўлланилади. Дивидендерларни тўлаш самарали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан кейин амалга оширилади. Агар лойиҳанинг ички даромад даражаси молиявий рентабеллик даражасидан юқори бўлса, уни қўллаш тавсия этилади. Ушбу техникадан фойдаланиш акциядорлик жамиятларининг юқори иқтисодий ўсишини таъминлайди, унинг бозор қийматини оширади. Камчиликлари сифатида дивидендерларни тўлашнинг бир хил бўлмаган диапазонини мавжудлиги, дивидендерларни тўлашнинг доимий эмаслиги, қимматли қоғозларнинг паст бозор баҳосига эга эканлигини кўрсатиш мумкин.

Б) белгиланган тўловлар усули. Бир акция учун дивиденд= const. Акциялар курсининг динамикасидан қатъи назар, узоқ вақт давомида битта оддий акциясига дивиденд тўловларининг мунтазамлигини таъминлайди. Одатда, турли молиявий институтларнинг (пенсия жамғармалари, сугурта компаниялари) паст даражадаги риски билан биргалиқда қўлланилади.

Мазкур усулнинг афзаликлари бўлиб акцияларнинг курс қийматидаги тебранишларни юмшатиши, фонд бозоридаги акцияларнинг барқарор котировкаси, акцияларнинг юқори ликвидлиги, акциядорларнинг жорий мунтазам даромадини олиш, акциядорлик жамиятлари нинг барқарор бозор қиймати бўлиб ҳисобланади.

Бунинг баробарида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижалари билан заиф алоқалар, фойда миқдори кескин камайган тақдирда, акциядорлик жамиятлари ликвидлиги сезиларли даражада ёмонлашиши эҳтимоли каби камчиликлар ҳам мавжуд.

Куйидаги ҳолатларнинг бирида акциядорлик жамияти дивидендерларни эълон қилиш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек, дивидендерларни тўлашга ҳакли эмас:

- устав фонди тўлиқ тўланмаган бўлса;
- акциядорлик жамиятининг соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонdlари миқдоридан кам ёки дивидендерлар тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан кам бўлса;
- акциядорлик жамияти иқтисодий тўловга лаёқатсизлик (банкротлик) тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ тўловга лаёқатсизликнинг барқарор хусусиятига эга ёки ушбу белги дивидендерлар тўлаш натижасида ушбу компанияда пайдо бўлса;
- акциядорларнинг талабига биноан акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олиш тутатилмаган бўлса.

#### **4.Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш босқичлари**

Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати акциядорлар фаровонлигини ошириш ва жамият капиталлашувининг ўсишини

таъминлашга қаратилган. Дивиденд сиёсати акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш мақсадидан иборат. Дивиденд сиёсати жамият Кузатув Кенгашининг акциялар бўйича дивидендлар микдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига ёндашуви ни аниқлаш учун мўлжалланган.

Агар жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ ҳар қандай масалалар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлари, жамият устави ва ушбу Низом нормалари билан тартибга солинмаган бўлса, улар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилиниши керак.

Акциядорлик жамиятлари жамият акцияларидан даромад олиш бўйича акциядорларнинг мулкий манфаатларини қондиришнинг асосий усули сифатида капиталлашувнинг ўсишини кўриб чиқади. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида жамият томонидан олинган даромадларнинг истеъмол қилинадиган ва капиталлашган қисмлари ўртасидаги нисбатларни оптималлаштиришдан иборат.

Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

-дивидендлар сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шу жумладан дивидендлар микдорини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги ахборотни аниқлаш ва ошкор қилишни назарда тутадиган шаффоффлик тамойили;

-ўз вақтида бўлиш тамойили дивидендларни тўлашда вақт чегараларини белгилашни назарда тутади;

-асосланганлик тамойили - жамиятнинг ҳақиқий молиявий аҳволидан келиб чиқсан ҳолда ривожланиш режалари ва унинг инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор фақат жамият томонидан ижобий молиявий натижага эришган тақдирда амалга оширилиши мумкин;

-адолатлик тамойили, акциядорларнинг дивидендларни тўлаш бўйича қабул қилинаётган қарорлар, микдор ва тартибда ахборот олишга бўлган тенг ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутади;

- кетма-кетлик тамойили дивиденд сиёсатининг тартиб-қоидалари ва тамойилларини қатъий бажарилишини назарда тутади;

- ривожланиш тамойили корпоратив бошқарув тартиб-таомилларини такомиллаштириш доирасида дивиденд сиёсатини доимий такомиллаштиришни ва жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан унинг қоидаларини қайта кўриб чиқиши назарда тутади;

-барқарорлик тамойили жамиятнинг барқарор дивиденд тўловларини таъминлаш истагини англаради.

Ўзбекистон Республикасида дивиденд сиёсатини амалга ошириш тартиб-таомили босқичларининг мазмуни қуйидагича:

1-босқич компаниянинг инвестицион имкониятларини аниқлаш, корхонанинг тўлов қобилияти даражасини баҳолаш, рақобатчи компанияларнинг дивиденд тўловлари даражаси ва бошқалар.

2-босқич. Дивиденд сиёсати турини танлаш. Консерватив. Ривожланиш учун етарли захираларни шакллантиргандан сўнг қолдиқ тамойил бўйича дивидендларни ҳисоблаш. Ўртacha. Дивиденд тўловлари коеффициентининг узоқ муддатли мақсадли стандартини сақлаш. Кафолатланган минимал ва қўшимча дивидендлар. Жорий дивидендларни агресив максимал даражада ошириш.

3-босқич. Танланган дивиденд сиёсатига мувофиқ фойда тақсимотини амалга ошириш.

4-босқич. Дивиденд тўловлари ва битта акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини аниқлаш.

5-босқич. Дивиденд тўловлари шаклини аниқлаш: пул қўринишидаги дивидендлар, акциялар ва бошқа мол-мулк қўринишидаги дивидендлар, ўз акцияларини сотиб олиш.

6-босқич. Компаниянинг бозор фаолияти кўрсаткичлари асосида дивиденд сиёсатини таҳлил қилиш: акциялар учун соф фойда, дивидендлар тўлаш коэффициенти, акцияларнинг дивиденд рентабеллиги ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг барча акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, акциядорлик жамиятининг низомига, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия Мажлисининг 2015 йил 3 декабрдаги 9-сон баённомаси ва жамиятнинг бошқа ички хужжатлари билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”га мувофиқ дивиденд сиёсатини ишлаб чиқади.

Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсатини тузиш тартиби қуйидагича белгиланади:

А. Умумий қоидалар. Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, акциядорлик жамиятининг уставига, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 декабрдаги 9-сонли корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия Мажлисининг баённомаси билан тасдиқланган корпоратив бошқарув кодексига ва жамиятнинг бошқа ички хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати тўғрисида умумий маълумот берилади. Ушбу Низом жамиятнинг дивиденд сиёсатида акс эттирилиши ва ошкор этилиши керак бўлган умумий масалаларни, хусусан, асосий йўналишлар, мақсадлар, амал қилиш муддати, тамойиллар ва бошқалар ҳақида маълумот беради..

Б. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби. Сиёсатга кўра, акциядорлик жамиятлари биринчи чорак, ярим йил, тўққиз ой натижалари ва молиявий йил якуний натижалари бўйича акцияларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) ҳукуқига эга.

Дивидендлар жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) олдинги йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Бунда дивидендлар ўз вақтида тўланиши ва компания айланмасидан дивидендлар тўлови учун маблағлар олиниши туфайли компаниянинг молиявий аҳволи ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида компания томонидан омпания фойдаси ҳисобидан қайтмайдиган дебиторлик қарзлари бўйича захира фонди ташкил қилинади.

Компания акциядорлари умумий йиғилиши ҳар бир тоифадаги акциялар бўйича дивидендлар тўлови (эълони) тўғрисида қарор қабул қиласди. Компаниянинг Кузатув кенгаши Акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар беради. Дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинган миқдордан юқори бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишига таклиф қилинадиган акциялар бўйича дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан қуидаги омиллардан келиб чиқиб белгиланади:

- аудиторлик хulosаси билан шубҳасиз тўғрилиги тасдиқланган молия ҳисботи маълумотларига асосан соф фойда миқдори. Бунда, шўъба корхоналар фойдаларини капиталлаштириш ҳисобига олинган ва узоқ муддатли активларни уларга берилишидан тушган даромадлар миқдорига соф фойда миқдори камаяди;
- компаниянинг келгуси даврлар учун молия-хўжалик режалари;
- компаниянинг таалукли давр якуни учун оборот маблағлари тузилиши;
- компаниянинг таалукли давр якуни учун қарз юкламалари.

В. Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари. Компания дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади. Дивидендлар тўлов муддати компания акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, бироқ акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирилмаслиги керак.

Компаниянинг қимматли қоғозлари эгалари ҳисобланган дивидендларни акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда олиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, Компания бундай 5 (йўқлаб олинмаган) дивидендлар тўловини давом эттиради. Йўқлаб олинмаган дивидендлар тўлов даври Компания томонидан эълон қилинган дивидендлар тўлови бўйича мажбуриятлар ижро муддати тугаган санадан бошлаб уч йилдан ошиши мумкин эмас.

Жамият айби билан дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган (олинмаган) ҳолатда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан келиб чиқиб жарима (пеня) ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланган жарима (пеня) миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммасининг 10 фоизидан юқори бўлмаслиги керак.

Корпоратив ва мулкий муносабатлар бошқармаси бухгалтерлик хисоби ва методологияси бошқармаси билан биргаликда ушбу низомда кўзда тутилган Компания томонидан дивидендлар тўловини ташкиллаштириш учун тайёргарчилик, мувофиқлаштириш ишларини ва барча тадбирларни амалга оширади.

Ҳар қандай акциядор Жамиятга акциялар бўйича дивидендларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, дивидендлар ҳисоблаб ёзилиши ва дивидендлар суммасига солиқ солиш тартиби тўғрисида, тўлов шартлари тўғрисида ахборот тақдим қилиниши учун расмий талабнома билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга. Акциядорларга дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилган Акциядорлар умумий йиғилишини ўtkазиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган шахслар акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳукуқига эга. Акциялар улушли эгаликда бўлган ҳолатда, белгиланган тартибда дивидендлар акциядорлар ўртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб (пропорционал) равишда тақсимланади.

Г. Ахборотни ошкор қилиш тартиби. Акция дорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилганда, жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳим фактлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қиласди. Бунда ҳисобланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар акциядорларга электрон почта ва жамият веб–сайти орқали юборилади. Компания томонидан дивидендлар тўлови бўйича ўз мажбуриятлари бажарилганлиги ҳолати юзасидан Компания тегишли ахборотни қонунлар билан белгиланган муддатларда муҳим маълумотлар тўғрисидаги хабарлар шаклида ошкор қиласди.

Д. Якуний қоидалар. Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар акция дорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади. Низомнинг айrim моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва/ёки Компания Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан ҳал қилинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллуқли ўзгартишлар киритиладиган пайтга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун меъёрларига ёки Жамият Уставига амал қилиниши лозим бўлади.

### **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Дивиденд сиёсатини белгиловчи омилларни санаб беринг
2. Компаниянинг ўз инвестицион имкониятларини тавсифлайдиган омилларга нималар киради?
3. Ўзбекистон Республикасида дивиденд сиёсатининг меъёрий-ҳукуқий асослари қайси ҳужжатлардан иборат?

4. Дивиденд сиёстининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсати билан ўзаро боғлиқлик жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?
5. Акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатининг қандай турлари қўлланилади?
6. Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш босқичлари ва уларга қисқача изоҳ беринг
7. Дивиденд тўловлари усууларининг дивиденд сиёсати боғланганлигини қандай тушунасиз?

### **3-мавзу. Компанияларнинг тақсимланмаган фойдаси ва дивиденд тўловларини бериш методикаси**

#### **Режа**

- 1. Дивиденд тўловлари манбалари**
- 2. Дивиденд тўловлари усуллари турлари**
- 3. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивидендерни тўлаш тартиби**
- 4. Дивиденд сиёсати ва акциялар курсини тартибга солиш**

#### **1.Дивиденд тўловлари манбалари**

Тақсимланмаган фойда келажакда даромад олиш учун корхонани ривожлантиришга инвестиция қилиш учун ишлатилади. Бу ўз навбатида дивидендерни тўлаш тартиби:

-биринчидан реал даромадни англатади,  
-иккинчидан шу корхонанинг қўшимча акцияларини сотиб олиш ёки уларни бошқа молиявий инвестицияларга сарфлаш ҳисобланадики, у келгусида умумий даромад ўсишига олиб келиши мумкин.

Бошқа томондан, корхона учун тўланган дивидендерни қўшимча даромад келтирадиган ва натижада ҳар бир акциядорнинг даромадларини оширишга ёрдам берадиган молиявий ресурсларни англатади.

Акциядорлик жамиятининг фойдасини тақсимлаш механизми муайян ҳаракатлар кетма-кетлигини таъминлайди.

-уставда назарда тутилган захира ва бошқа мажбурий фонdlарга ажратмалар соф фойда суммасидан амалга оширилади. Соф фойданинг қолган қисми дивидендерни коридори деб аталади, унда танланган дивиденд сиёсати амалга оширилади;

-қолган соф фойда қайта инвестицияланган (капитализация қилинган) ва истеъмол қилинадиган (истеъмол жамғармаси) қисмларга бўлинади.

-соф фойда ҳисобидан шакллантирилган истеъмол жамғармаси дивиденд тўловлари жамғармасига тақсимланади ва жамоа меҳнат шартномасига мувофиқ ташкил этиладиган акциядорлик жамияти ходимларини истеъмол қилиш жамғармасига ҳисобланади.

Агар компания дивиденд сиёсати турини ва дивидендерни тўлаш шаклини танлаш масаласи тўлиқ мустақил бўлса, дивиденд тўловлари тартиби ва механизми амалдаги Қонунчилик билан тартибга солинади. Дивидендерни тўлаш учун маблағ манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- оддий акциялар бўйича жамиятнинг соф фойдаси;  
- имтиёзли акциялар бўйича -соф фойда, шунингдек, бунинг учун маҳсус тузилган фонdlар маблағлари.

Ушбу мақсадлар учун захира фондидан фойдаланиш тақиқланади.

Дивидендерни тўлаш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан директорлар кенгаши тавсиясига биноан қабул

қилинади. Шу билан бирга, йиллик дивидендлар миқдори директорлар кенгаши томонидан тавсия этилган ва камроқ тўланган оралиқлардан кўп бўлмаслиги мумкин. Агар дивиденд тўлаш умумий йифилиш томонидан эълон қилинган бўлса, уни тўлаш мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом” қабул қилинган<sup>5</sup>. Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. Хужжатда келтирилган харажатлар таснифи энг аввало корхона бошқарувида харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қўйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\text{ЯФ=ССТ-ИТ} \quad (1)$$

Бу ерда ЯФ - ялпи фойда; ССТ - сотишдан олинган соф тушум; ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий фаолиятдан қўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан қўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\text{АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ} \quad (2)$$

Бу ерда АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда; ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; БЗ-асосий фаолиятдан қўрилган бошқа зарарлар.

3. Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан қўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқлади:

$$\text{УФ=АФФ+МД-МХ} \quad (3)$$

Бу ерда УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ - молиявий фаолият харажатлари.

4. Солик тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан қўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$\text{СТФ=УФ+ФП-ФЗ} \quad (4)$$

<sup>5</sup> www.lex.uz

Бу ерда СТФ - солиқ тўлангунгача олинган фойда; ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда; ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

5. Йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан тўланадиган солиқни ва минус қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

### **СФ=СТФ-ДС-БС (5)**

Бу ерда СФ - соф фойда; ДС - фойдадан тўланадиган солиқ; БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Жамиятнинг соф фойдасини дивиденdlар шаклида акциядорлар ўртасида тақсимлаш, фойданинг қайта инвестициялаш масалалари бир қатор омилларга боғлиқ бўлади.

## **2. Дивиденд тўловлари усуллари турлари**

Собит дивиденд тўловлари (ёки барқарор дивиденд тўловлари миқдори) усули қимматли қоғозлар қиймати ўзгаришидан қатъий назар, узоқ вақт давомида оддий акциялар бўйича дивиденdlарни тўлашга йўналтирилган соф фойданинг барқарор фоизини назарда тутади. Инфляциянинг юқори суръатлари бўлган даврда дивиденд тўловлари миқдори инфляция индексига корректировка қилинади.

Агар корхона муваффақиятли ривожланаётган бўлса ва йиллик даромад миқдори дивиденdlарни барқарор даражада тўлаш учун зарур бўлган маблағлар миқдоридан ошиб кетса, у ҳолда компания ҳар бир акция учун белгиланган дивиденд тўлови миқдори ошириши мумкин. Ушбу техникадан фойдаланиб дивиденд сиёсатини амалга оширишда корхоналар келажакда қатъий дивиденд миқдорини белгилашда фойдаланиладиган кўрсаткичига асосланадилар. Ушбу техниканинг афзаллиги шундаки, турли вазиятларда акциядорларда жорий даромад миқдори ўзгармаслигига ишонч ҳисси яратади, фонд бозорида эса акцияларнинг курс қийматини ўзгарувчанликдан қочиш имконини беради.

Ушбу сиёсатнинг салбий томони корхона фаолиятининг молиявий натижалари билан заиф алоқада бўлади. Шунинг учун салбий конъюнктура ва жорий йилнинг даромадининг пасайиши даврида корхона инвестиция, молиявий ва ҳатто асосий фаолият учун етарли маблағга эга бўлмаслиги мумкин. Салбий оқибатлардан қочиш учун дивиденdlарнинг қатъий белгиланган миқдори, одатда капиталнинг ўсишининг етарли эмаслиги важидан корхонанинг молиявий барқарорлигини пасайиши рискини камайтириш учун нисбатан паст даражада белгиланади.

## 2-жадвал

### Собит дивиденд тўловлари усулининг тавсифи<sup>6</sup>

Номи	Асосий тамойил	Афзаликлари	Камчиликлари
<b>Собит дивиденд тўловлари усули</b>	Акциялар курсининг динамикасидан қатъи назар, узоқ вақт давомида акциялар учун дивиденdlар миқдори барқарорлигига риоя қилиш. Дивиденд тўловларининг мунтазамлиги	1. Оддий 2. Қимматли қоғозларнинг курсидаги тебранишларни юмшатиш	Агар фойда сезиларли даражада камайса, собит дивиденdlарни тўлаш корхонанинг ликвидлигига салбий таъсири кўрсатади

Кафолатланган минимум ва қўшимча дивиденdlарни тўлаш усули собит дивиденdlар миқдорини мунтазам равишда тўлашни назарда тутади. Қулай бозор шароитлари ва жорий йилги фойданинг миқдори катта бўлса, акциядорларга қўшимча (экстра) дивиденdlар тўланади. Шундай қилиб, акциядорларнинг даромадлари ҳар йили энг кам дивиденdlар даражасида олинадиган ва молиявий натижаларига қараб вақти-вақти билан тўланадиган қўшимча дивиденdlар суммасидан шаклланади.

Бу усулинг афзаликларидан бири бўлиб минимал белгиланган миқдорда дивиденdlарнинг барқарор кафолатланган тўловининг мавжудлиги, шунингдек, инвестиция фаолиятини камайтирган ҳолда дивиденdlар миқдорини ошириши имконини берадиган молиявий натижалар билан ўзаро алоқада эканлиги хисобланади. Берқарор иқтисодий вазият ва корхона томонидан олинадиган фойда миқдорининг ўзгариши сезиларли даражада бўлгани вақтида бу усул энг самарали усул хисобланади.

Унинг асосий камчилиги шундаки, узоқ муддатли минимл собит дивиденdlар тўлаш (айрим даврларда ҳеч қандай қўшимча ҳак) компания акцияларининг инвестицион жозибадорлигини камайтиради, бошқа томондан экстра дивиденdlарни мунтазам тўлаб борилиши ўз навбатида акциядорларга бўлган рағбатлантирувчи таъсири камаяди ва бу сиёsatнинг мунтазам дивиденд тўловлари сиёsatидан фарқи қолмай қолади.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

### 3-жадвал

#### Кафолатланган минимум ва қўшимча дивидендларни тўлаш усули<sup>7</sup>

Номи	Асосий тамойил	Афзалликлари	Камчиликлари
Кафолатланган минимум ва қўшимча (экстра) дивидендларни тўлаш усули	<p>1. Дивиденднинг белгиланган миқдорларини мунтазам равишда тўлаш давомийлигига риоя қилиш.</p> <p>2. Корхонанинг муваффақиятига қараб-фавқулодда дивидендни тўлаш (экстра)</p>	Қимматли қоғозлар қийматидаги тебранишларни юмшатиш	Экстра дивидендни тез-тез тўланилиши кутиладиган бўлиб қолади ва акциялар курсини сақлаб қолищдаги ўрни пасаяди

**Қолдик тамойил бўйича дивидендларни тўлаш усули.** Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, дивидендлар компаниянинг барча асосли инвестиция эҳтиёжлари қондирилганидан сўнг охирида тўланилади. Бу усул бўйича ҳаракатлар кетма-кетлиги қўйидагича бўлади:

- капитал қўйилмаларнинг оптима бюджети тузилади;
- бюджетни ижро этиш учун зарур бўлган капиталнинг қийматини аниқлайдиган молиялаштириш манбаларининг оптимал тузилмаси аниқланади;
- дивидендлар фақат инвестицияларни молиялаштириш зарур бўлмаган ҳолатда қолдик фойдадан тўланади.

**Дивидендларни акциялар билан тўлаш методикаси.** Акциядорлар пул ўрнига қўшимча акциялар олади. Ушбу техникадан фойдаланиш усуллари турлича бўлиши мумкин. Компаниянинг нақд пул билан муаммолари бўлиши мумкин, унинг молиявий ҳолати бекарор бўлиши мумкин.

Бу усул билан акциядорлар амалда ҳеч нарса олмаганлигини тушуниш осон, чунки уларга тўланиладиган дивидендлар суммаси ўз капитали таркибида капиталлашган маблағларнинг қийматига teng. Акциялар сони ортди, лекин ҳар бир акция учун активларнинг қиймати камайди. Бироқ, бу вариант акциядорларни қониқтиради, чунки улар зарур бўлганда пулга сотилиши мумкин бўлган қимматли қоғозларни олмоқдалар.

Акциялар учун тўланган дивиденднинг миқдорига қараб, акцияларнинг бозор нархи турлича ҳолатда бўлади. Паст даражадаги дивидендлар деярли акция нархга таъсир қилмайди, агар дивиденд миқдори катта бўлса, дивидендлар тўланганидан кейин акцияларнинг бозор нархи сезиларли даражада тушиши мумкин. Акцияларга дивидендлар тўлаш барибир устав капиталининг ва баланс валютасининг ошиши билан бирга кузатилиши

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

мумкин, лекин кўпинча бу кўпинча ўз маблағлари манбалари баланс валютасини кўпайтирмасдан қайта тақсимлаш орқали амалга оширилади. Бунда устав капиталининг ўсиши эмиссион даромадининг пасайиши ва ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда ҳисобига бўлади.

Аслида, компаниялар томонидан амалга ошириладиган дивиденд сиёсати одатда қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Корпорациялар ички манбалар, яъни фойда ва амортизация орқали молиялашни афзал кўришади;

2. Корпорациялар инвестицион эҳтиёжларни ва кутилаётган пул оқимларини ҳисобга олган дивиденд тўловлари мақсадли қийматини белгилайди;

3. Дивидендлар қисқа муддатли келажакда барқарордир. Шу сабали ҳам ташкилотлар махсус захира фондини ташкил этади;

4. Агар корпорациянинг пул оқими унинг инвестицион имкониятларидан ошиб кетган бўлса, у уларни қимматли қоғозларга сарфлайди ёки қарзни тўлайди;

5. Агар корпорацияда ўз маблағлари етарли бўлмаса қарз олади, ортиқча бўлса илгари жалб қилинган қарз маблағларини тўлайди. Корпорациялар акцияларни эмиссия қилишдан кўра, қарз маблағларини жалб қилиш учун қарз олиш потенциалини сақлаб қолишни афзал кўришади.

Қўшимча акцияларни чиқариш қуйидагича қабул қилинади: менежерлар мавжуд акциядорлар манфаати учун ҳаракат қилишади, шу сабабли яхши истиқболда улар акцияларни чиқаришдан қочишади, ёмон бўлса-акцияларни чиқаришга ҳаракат қиласди. Шунинг учун акцияларни жойлаштириш нархи одатда, паст бўлади, қўшимча эмиссия акциялар курсини пасайишига олиб келади.

### **3. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида дивидендларни тўлаш тартиби**

Дивидендлар унинг ихтиёрида қолган акциядорлик жамиятларининг соф фойдасидан ёки ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдасидан тўланади, имтиёзли акцияларга эса захира жамғармаси ҳисобидан тўланиши мумкин.

2019 йил 1 марта бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.02.2019 йилдаги ПҚ-4160-сонли Қарорининг "Д" бандига мувофиқ миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш соҳасида акциядорларга йирик битим ва аффилланган шахслар билан қиймати жамият соф активлари миқдорининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил қилувчи битим тузиш натижасида жамиятга етказилган зарар учун кузатув кенгашининг манфаатдор аъзосини суд тартибида жавобгарликка тортиш ҳукуқи берилади<sup>8</sup>. Дивидендларни тўлаш, унинг миқдори, хар бир турдаги акциялари бўйича тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «бизнес юритиши» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги 05.02.2019 йилдаги ПҚ-4160-сонли қарори.

кузатув кенгаши тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар ушбу Конун ва жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичидаги қабул қилиниши мумкин.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши муайян турдаги акциялар бўйича дивидендларни тўламаслик, шунингдек имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ бўлмаган миқдорда тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Дивиденд - оддий ёки имтиёзли акцияга эга бўлган акциядорлар ўртасида акциядорлик жамиятининг тақсимланадиган соф фойдасининг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Дивидендларни тўлашга йўналтирилган соф фойда акциядорлар ўртасида тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади. Конунчиликка асосан, дивиденд ҳар чорақда, ҳар олти ойда ёки йилига бир марта тўланиши мумкин. Оддий акцияга тўғри келадиган муваққат дивиденд миқдори ўтган чорак (ярим йил) якунлари бўйича жамият директорлар Кенгаши томонидан эълон қилинади.

Битта оддий акцияга тўғри келадиган якуний дивиденд миқдори компаниянинг директорлар кенгаши таклифига биноан оралиқ дивидендларни тўлашни ҳисобга олган ҳолда йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан эълон қилинади. Якуний дивиденднинг миқдори Кенгаш томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлмаслиги мумкин, аммо у умумий акциядорлар йиғилиши томонидан камайтирилиши ҳам мумкин.

Имтиёзли акциялар бўйича сабит дивиденд (ёки унинг минимал қиймати) улар чиқарилганда жамият томонидан белгилаб қўйилади. Дивидендларни тўлашда биринчи навбатда имтиёзли акцияларга, кейин эса оддий акцияларга тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун етарли фойда мавжуд бўлмаса, жамият ушбу акциялар бўйича дивидендларни маҳсус шакллантирилган фонdlар ҳисобидан амалга оширади. Жамият захира жамғармаси маблағларининг ушбу мақсадлар учун сарфланишига йўл қўйилмайди.

Оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлаш компаниянинг акциядорларга нисбатан аниқ мажбурияти эмас. Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият директорлар Кенгаши муайян давр ва умуман йил якунлари бўйича оддий акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Умумий йиғилиш томонидан дивидендларни тўлаш эълон қилинган бўлса, бу ҳолат жамият учун мажбурийдир. Агар акциядорларга ортиқча дивидендлар тўлаб юборилган тақдирда, компания келгуси тўловлар ҳисобига ортиқча тўловни амалга ошириши ёки акциядорлар умумий

йиғилиш қарори асосида уни қайтаришни таклиф қилиши мумкин. Шу билан бирга, компания акциядорларни ортиқча тұланган дивидендларни қайтаришга мажбур қилиш хуқуқига эга емас.

Акцияларнинг ҳар бир тури бүйича дивидендлар тұлаш, дивиденднинг міқдори, уни тұлаш шакли ва тартиби тұғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг міқдори жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган міқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бүйича дивидендлар тўламаслик тұғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд міқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бүйича тўлиқ бўлмаган міқдорда дивидендлар тұлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тұлаш тұғрисидаги қарорда дивидендлар тұлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Акциядорларга дивидендларни тұлаш тұғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бүйича дивиденд олиш хуқуқига эга. Жамият томонидан оддий акциялар бүйича ҳисобланган дивидендларни тұлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган teng хуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендларни тұлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тұлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендларни тұлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бүйича, сўнgra оддий акциялар бүйича дивидендлар тұланади. Имтиёзли акциялар бүйича қатъий белгиланган дивидендларни тұлаш учун етарли міқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тұлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тұланишини суд тартибida талаб қилиши мумкин. Жамият етарли міқдорда фойдага эга бўлмаган ёки заар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бүйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг факат шу максад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тұланиши мумкин.

Жамият дивидендларнинг міқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатта олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тұланадиган дивидендлар міқдори тұғрисидаги маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бүйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

Дивидендлар амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ уларни тұлаш шаклидан қатъи назар солиқقا тортилади. Товарлар бүйича дивидендлар

тўланган тақдирда солиқ солиш учун ҳисоблаб чиқариладиган дивиденд микдори товарларни сотиб олишнинг ҳақиқий нархларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Жамият улардан солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда дивидендлар микдорини эълон қиласди. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

#### **4. Дивиденд сиёсати ва акциялар курсини тартибга солиш**

Қимматли қофозлар курси ва дивидендлар сиёсати бир-бири билан боғлик. Курс нархи турли омиллар таъсири остида шаклланади. Акциялар курсини сунъий равишда тартибга солишнинг тўланадиган дивидендлар микдорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир қатор усуллари мавжуд.

